

Ҳ У К М  
Ўзбекистон Республикаси номидан

2024 йил май ойининг 13 куни, жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, судья А.Шайдоевнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари Ғ.Бекчаев ва Д.Абдуллаевадан иборат таркибда, судья ёрдамчиси Д.Тўхтаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Жомбой туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Амонов, судланувчи Н.Икромов ва унинг ҳимоячиси адвокат Р.Ниязованинг иштирокида, Икромов Нурбек Шерали ўғлига нисбатан 1-1406-2402/68-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Икромов Нурбек Шерали ўғли (Ikromov Nurbek Sherali o'g'li), 1986 йил 03 сентябрда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, “Тараққиёт” фермер хўжалиги норасмий раҳбари, Жомбой тумани, “Ширинкент” МФЙ, “Элатон” қишлоғи 105-уйда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 15 апрелда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Н.Икромов “Ширинкент” маҳалласи “Элатон” қишлоғида жойлашган “Тараққиёт” ФХга норасмий раҳбарлик қилиб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 22-сонли Қарори 118-банди талабларига зид равишда, тижорат мақсадларида умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига электр ҳисоблаш ускунасисиз яширин тарзда уланиб, бир дона 11,0 кВт.лик қувватга эга бўлган “Электронасос ЭЦВ-8” русумли сув тортиш насосини электр токидан фойдаланган ҳолда ишлатиб, Жомбой туман Электр тармоқлари корхонасининг 260.200.000 сўмлик жуда кўп миқдорда электр энергияси кўринишидаги мулкани яширин равишда талон-торож қилганлиги 2023 йил 8 ноябрь куни Жомбой туман ЭТК ходимлари томонидан ўтказилган текшириш жараёнида аниқланган.

Судда сўралган Н.Икромов, ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, “Тараққиёт” фермер хўжалиги марҳум отаси томонидан ташкил этилгани, отасидан сўнг фермер хўжалигининг ишларини у юритиб келиши, фермер хўжалигининг умумий ер майдони 55,9 гектардан иборат экани, ер майдонларини суғориш зарур бўлгани сабабли 2023 йилнинг баҳор фаслида



11,0 кВт.лик қувватга эга бўлган “Электронасос ЭЦВ-8” русумли сув насосини ҳеч қандай рухсатсиз, электр тармоғига улаб, ер майдонларида суғориш ишларини бажарганлигини, ер майдонида қурилган артезиан кудуғига уланган электр токини Жомбой ЭТК ходимлари томонидан бирон маротаба ҳам кўриқдан ўтказишмагани, сув насоси фермер хўжалиги балансига киритилмагани ва сув насосини электр энергиядан истеъмол қилишлиги учун шартнома тузмагани, етказилган зарар юзасидан даъво муддати 3 йилга ҳисобланиб, етказилган моддий зарар жами 260.200.000 сўмга ҳисобланганлиги, айти вақтда етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қонуний енгиллик беришни, кечирим сўраб кўрсатув берди.

Гарчи судланувчи Н.Икромов ўз айбга тўлиқ иқрорлик билдирган бўлса-да, унинг умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиб, электр тармоқлари корхонасига жуда кўп миқдорда зарар етказиб, ўғирлик жиноятини содир этганликдаги айби қуйидаги далиллар билан тасдиқланади.

Жумладан:

фуқаровий даъвогар Эргашев Орифжон Эркиновичнинг, Жомбой туман Электр тармоқлари корхонасида ҳуқуқшунос лавозимида ишлаши, ҳақиқатан ҳам судланувчи Н.Икромов, “Ширинкент” маҳалласи “Элатон” қишлоғида жойлашган “Taraqquyot” ФХга норасмий раҳбарлик қилиб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 22-сонли Қарори 118-банди талабларига зид равишда, тижорат мақсадларида умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига электр ҳисоблаш ускунасини яширин тарзда уланиб, бир дона 11,0 кВт.лик қувватга эга бўлган “Электронасос ЭЦВ-8” русумли сув тортиш насосини электр токидан фойдаланган ҳолда ишлатиб, Жомбой туман Электр тармоқлари корхонасининг 260.200.000 сўмлик жуда кўп миқдорда электр энергияси кўринишидаги мулкни яширин равишда талон-торож қилганлиги 2023 йил 8 ноябрь куни Жомбой туман ЭТК ходимлари томонидан ўтказилган текшириш жараёнида аниқланганлиги, айти вақтда Н.Икромов томонидан Жомбой туман Электр тармоқлари корхонасига етказилган зарар қопланганлиги боис, судланувчига моддий даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган “Ўзэнергоинспекция” Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими бошқармаси етакчи мутахассиси Пардаев Бобир Анарбаевичнинг, 2023 йилнинг 08 ноябрь куни “Ўзэнергоинспекция” Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими ходими сифатида у ҳамда Жомбой туман ЭТК аҳоли ва юридик истеъмолчилари билан ишлаш инспектори О.Хужанов, К.Утанов ва Ж.Жураевлар иштирокида Жомбой тумани электр таъминоти корхонасининг “САС” дастури орқали шубҳали ишлаётган электр ҳисоблагичларни аниқлаш мақсадида Жомбой тумани, “Ширинкент” МФЙ, Элатон қишлоғи ҳудудидаги собиқ ММТП биносига борган вақтларида,



ушбу ер майдони ва бино иншоотлари “Тараqqiyot” фермер хўжалигига қарашли эканлиги маълум бўлиб, собиқ ММТП биноси ичида жойлашган артезиан сув насосини кўздан кечирганларида, Жомбой тумани, “Ширинкент” МФЙ, Элатон қишлоғи ҳудудида фаолият юритиб келаётган “Тараqqiyot” фермер хўжалигига қарашли бўлган собиқ ММТП ер майдони ўртасида жойлашган 1 хонали бетон қопламали хонасига Жомбой тумани электр таъминоти корхонасига қарашли “Вертадром” номли юқори кучланишда бўлган трансформаторидан электр тармоғидан чиқувчи 0,4 кВ кучланишда бўлган, бетон устунлар орқали алюминий очиқ симлари бинонинг устки қисмига ўрнатилган ёғоч устунига боғланиб, хона ичидаги ЕХ-518 русумли завод рақами 124200560019-сонли 20(100/5) коэффициентли электр ҳисоблагичига уланмасдан, тўғридан-тўғри кўшиб-ўчиргичга уланганлиги, ушбу ЕХ-518 русумли завод рақами 124200560019-сонли 20(100/5) коэффициентли электр ҳисоблагичининг Жомбой Электр таъминоти корхонасининг Электрон ҳисоб дастуридан рўйхатидан ўтмаганлиги маълум бўлгани, кўздан кечириш давомида ушбу хона ичида 2 дона кўшиб-ўчиргич мосламалари ўрнатилган бўлиб, асосий кирган ёпиқ 3 дона электр токи симлари асосий кўшиб-ўчиргичга боғланган бўлиб, кўшиб-ўчиргичнинг қутиси ёнига маҳкамланган ЕХ-518 русумли завод рақами 124200560019-сонли 20(100/5) коэффициентли электр ҳисоблагичи қасдан электр токи уланмаганлиги ва ушбу электр тоқлари иккинчи кўшиб-ўчиргичга уланган бўлиб, артезиан қудуғига ёпиқ симлар орқали артезиан қудуғи уланганлиги ҳамда электр токи кўшиб кўрилганида артезиан соз ҳолатда сув чиқараётганлиги маълум бўлгани, шундан сўнг, улар ушбу артезиан сув насосига уланган ёпиқ симларини “KLESH” номли электр токи қувватини ўлчаш ускунаси орқали ўлчаб кўрилганларида 51,5 ампер эканлиги аниқлангани ва ушбу ҳолат фото ва видео тасвирларига олингани, ушбу артезиан қудуғидан сув насосини тортиб олишни имконияти бўлмаганлиги сабабли “Тараqqiyot” фермер хўжалигининг ўз ихтиёрида қолдирганликларини ва “электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келганлик ҳолати” юзасидан №0014-000050-сонли далолатнома расмийлаштирилганликларини, Жомбой Электр таъминоти корхонасининг “Ўзэнергоинспекция” Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими ходимлари томонидан расмийлаштирилган №0014-000050-сонли далолатномасига асосан 10.11.2023 йилда истеъмолчининг иштирокисиз қайта ҳисоб-китоб қилинган, ҳисоб-китоб натижасида умумий қуввати 20,0 кВт, шундан ҳисобланган бир суткалик ўртача истеъмоли 480,0 кВт бўлиб, шундан даъво муддати 1095 кунга ҳисобланиб, ҳар бир кВт.ни 900 сўмдан ҳисобланиб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш орқали етказилган моддий зарар жами 525 600 кВт деб, Жомбой Электр таъминоти корхонасига 473 040,0 минг сўм миқдорида зарар етказилган деб қайд этилгани ва электросет ходимларининг ушбу ҳисоб-китоби тўғри амалга оширилганлигини аниқлаш мақсадида “Ўзэнергоинспекция” Самарқанд вилояти ҳудудий бўлимига тақдим этилгани, шундан сўнг,



“Ўзэнергоинспекция” Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи номига Департаментнинг Жомбой туман бўлимининг 01.12.2023 йилдаги 7/428-24-сонли хати билан мурожаат этилиб, ушбу хатда “Ўзэнергоинспекция” Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими ходимлари томонидан ўтказилган ўрганишлар вақтида “Тараққиёт” фермер хўжалигига қарашли бўлган сув насосининг русуми ва қанча электр қувватида ишлашигига аниқлик киритилмасдан ҳамда сув насоси қудуқдан чиқариб ўрганилмаган деб тўпланган ҳужжатлар қайтарилгани, Департаментнинг Жомбой туман бўлимининг мазкур хатига асосан 04.01.2024 йилда “Ўзэнергоинспекция” Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими ва туман ЭТК ходимлари ҳамда “Тараққиёт” фермер хўжалиги раиси Н.Икромов иштирокида воқеа жойи қайта кўздан кечирилиб, Жомбой тумани, “Ширинкент” МФЙ, Элатон қишлоғи ҳудудидаги собиқ ММТП биноси ичида жойлашган артезиан қудуғи автокран орқали кўтариб чиқарилганида “Электронасос ЭЦВ-8” русумли сув насоси эканлиги маълум бўлгани, туман ЭТК ходимлари томонидан №Т23-18209905-сонли далолатнома расмийлаштирилиб, ушбу “Электронасос ЭЦВ-8” русумли сув насоси қанча қувватда электр энергия сарфланиши учун вақтинчалик сақлаш учун Жомбой ТЭТК омборхонасига олиб кетилиб, 05.01.2024 йилдаги “Nafosat FBR” хусусий корхонаси томонидан берилган маълумотномасига кўра, “Тараққиёт” фермер хўжалигига қарашли бўлган “Электронасос ЭЦВ-8” русумли сув насоси 1 соатига 11 кВт электр энергиясини истемол қилиши маълум қилинган, ушбу “Nafosat FBR” Х.К. берган маълумотномага кўра “Ўзэнергоинспекция” Самарқанд вилояти ҳудудий бўлимининг 01.02.2024 йилдаги 12-01/816-сонли сўров хатига кўра ўтказилган қайта ҳисоб-китоблар натижасида расмийлаштирилган далолатномасига асосан туман ЭТК томонидан 02.02.2024 йилдаги қайта ҳисоб-китоб натижасида умумий қуввати 11,0 кВт, шундан ҳисобланган бир суткалик ўртача истеъмоли 264,0 кВт бўлиб, шундан даъво муддати 1095 кунга ҳисобланиб, ҳар бир кВт.ни 900 сўм ҳисобланиб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш орқали етказилган моддий зарар жами 289 080 кВт деб, Жомбой Электр таъминоти корхонасига 260.172.000 сўм миқдорида зарар етказилгани кайд этилгани ҳақидаги кўрсатуви;

Гувоҳ Утанов Комилжон Бойжигитовнинг айнан гувоҳ Б.Пардаевнинг кўрсатувиغا ўхшаш берган кўрсатуви;

Шунингдек, суриштирув ва тергов ҳаракатлари давомида тўпланган бошқа объектив далиллар билан, жумладан:

- 2023 йил 8 ноябрдаги №0014-000050-сонли далолатнома ва унга иловалар ҳамда фотосуратлар (и.в 5);

- Жомбой туман ҳудудий ЭТКнинг 10.11.2023 йилдаги қайта ҳисоб-китоб бланкаси ва электр энергетикада назорат инспекцияси “O’ZENERGOINSPEKSIYA” Самарқанд вилояти ҳудудий бўлимининг 2024 йил 02 февралдаги 12-01/822-сонли хулосаси билан ўз исботини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши қайд этилган бўлиб, суд ҳайъати, судланувчи Н.Икромов “Ширинкент” маҳалласи “Элатон” қишлоғида жойлашган “Taraqquyot” ФХга норасмий раҳбарлик қилиб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 22-сонли Қарори 118-банди талабларига зид равишда, тижорат мақсадларида умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига электр ҳисоблаш ускунасини яширин тарзда уланиб, бир дона 11,0 кВт.лик қувватга эга бўлган “Электронасос ЭЦВ-8” русумли сув тортиш насосини электр токидан фойдаланган ҳолда ишлатиб, Жомбой туман Электр тармоқлари корхонасининг 260.200.000 сўмлик жуда кўп миқдорда электр энергияси кўринишидаги мулкни яширин равишда талон-торож қилганликдаги қилмиш жиноий ҳаракати суд мажлисида тўлиқ ўз исботини топган ва тергов органи томонидан унинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Н.Икромовга жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги” 1-сонли қарорида белгиланган раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, унинг ҳаракатида ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини, жиноят оқибатида етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келаётганлигини ЖКнинг 55-моддасига кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, қайд этиб ўтилган жазони енгиллаштируви ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиши Н.Икромовни ахлоқан тузатиш, у томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган жазо, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Н.Икромовнинг иш жойида ўташни белгилашни, ҳукм қонуний кучга киргач, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш мақсадида тергов органининг депозит ҳисоб рақамига тўланган жами 260.200.000 сўм пул маблағларини Жомбой туман Электр таъминоти корхонаси ҳисобига ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473, 475-моддаларига асосан суд ҳайъати ҳукм қилади:

### Ҳ У К М :

Судланувчи Икромов Нурбек Шерали ўғли (Ikromov Nurbek Sherali o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда, иш ҳақининг 30 (ўттиз) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилиш судланувчи Н.Икромовнинг яшаш жойидаги Жомбой туман ИИБ пробақия хизмати зиммасига юклатилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари Н.Икромовнинг ўз иш жойида ўтатирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўташ муддатини бошланиши корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Н.Икромовга қўлланилган «муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат» тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш мақсадида тергов органининг депозит ҳисоб рақамига тўланган жами 260.200.000 (икки юз олтмиш миллион икки юз минг) сўм пул маблағлари Жомбой туман Электр таъминоти корхонаси ҳисобига ўтказилсин.

Жиноят оқибатида етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани инобатга олинсин.

Жиноят иши ҳужжатларида мавжуд ёзма далиллар жиноят иши ҳужжатлари билан сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар, шу жумладан судланувчи ва жабрланувчи ҳукмнинг нусхасини олган вақтдан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида, шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят қилишга ва протест келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи:

А.Шайдоев

Халқ маслаҳатчилари: 1.

Ғ.Бекчаев

2.

Д.Абдуллаева

